

Уй-жой коммунал соҳасида янги босқич

Аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларнинг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшашларини кафолатлаш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг пировард мақсадидир.

Бунда уй-жой коммунал соҳасининг самарали фаолият кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг янги механизмларини жорий этиш фуқаролар турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда коммунал хизмат кўрсатиш бўйича замонавий бозорни шакллантириш йўлида изчил саъй-ҳаракатлар рўёбга чиқарилмоқда. Ўтган даврда қабул қилинган бир қатор қонунлар соҳани тараққий топтиришнинг ҳуқуқий асоси бўляпти.

Бироқ шиддат билан ўтиб бораётган давр уй-жой коммунал соҳасини янада - такомиллаштириш ва ривожлантиришни тақозо этмоқда. Президентимиз Шавкат - Мирзиёев томонидан жорий йил 18 апрель куни имзоланган “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон соҳада олиб борилаётган ишларни тубдан яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда унинг таркибида Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ва Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ҳамда уларнинг туманлар (шаҳарлар)даги бўлимлари ташкил этилмоқда.

Янги вазирлик ҳузурида Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ва иккита давлат унитар корхонаси — “Кўп хонадонли уйлар, иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ва “Сув таъминоти ва канализация объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ташкил қилинади. Шунинг таъкидлаш лозимки, иккинчи давлат унитар корхонаси бевосита Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига бўйсунди. Юқорида кўрсатиб ўтилган ташкилотларнинг ҳудудий бошқармалари, инспекциялари ва минтақалараро филиалларининг фаолияти йўлга қўйилади. Бундай ёндашув соҳадаги ишларни нафақат республика, балки ҳудудларда ҳам тизимли олиб бориш имконини беради. Бу эса жабҳада фаолият юритаётган ҳар бир мутахассисдан ўз ишини танқидий таҳлил қилиш, қатъий тартиб-интизом ҳамда шахсий жавобгарликни талаб қилади.

Амалга оширилаётган ислохотлар, авваламбор, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этади. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий -жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Уй-жой кодекси ва “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонунга ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритилади. Бу, ўз навбатида, биз, депутатлардан парламентда тегишли қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш жараёнида уй-жой коммунал соҳасидаги мавжуд муаммоларни баргараф қилишга алоҳида эътибор қаратишимиз

лозимлигини кўрсатади. Фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилиши ҳам, ҳеч шубҳасиз, бу борада долзарб аҳамиятга эга. Бинобарин, одамларнинг қонунлар мазмун-моҳиятидан -хабардорлиги, ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги соҳадаги муаммоларга ўз вақтида ва самарали ечим топишга кўмаклашади.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатишнинг сифати нафақат масъул ташкилотлар фаолиятига, балки фуқароларнинг ўзларига ҳам боғлиқлигини ҳаётий мисоллар орқали кўрмоқдамиз. Масалан, депутатлар жойларда ҳақиқий аҳволни ўрганиш чоғида аҳоли томонидан кўп хонадонли уйлардан фойдаланиш жараёнида белгиланган техник тартибга риоя этмай, тегишли органлар билан келишмасдан ўзбошимчалик билан қайтадан режалаштириб олганликлари каби ҳолатларга ҳам гувоҳ бўлишмоқда. Фуқаролар бундай ҳаракатлар қандай оқибатларга олиб келишини, нафақат ўз оиласи, балки атрофдагиларга ҳам жиддий зарар келтириши мумкинлигини кўп ҳолларда тасаввур ҳам қилмайдилар. -Фармонда белгиланганидек, кўп хонадонли уйларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш жуда ўринли бўлиб, бу фуқароларнинг хавфсиз муҳитда яшашига зарур шарт-шароит яратади.

Умуман айтганда, ушбу Фармоннинг ижроси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилашга имкон беради.

Қаҳрамон ЭРҒАШЕВ,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси депутати.

(Халқ сўзи, 21 апрель 2017 йил)